



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 29-noyabr. Payshanba • 140 (31.572) **Ijtimoiy-siyosiy gazeta** • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Кэтрин Эштонни қабул қилди.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАШҚИ СИЁСАТ ХИЗМАТИ РАҲБАРИНИ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФИ БИЛАН ҚУТЛАР ЭКАН, УШБУ УЧРАШУВ ЎЗБЕКISTON БИЛАН ЕВРОИТТИФОҚ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИНИ БАТАФСИЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР Йўналишларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўтган йиллар давомида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпланди, унинг мустақам институционал асоси яратилди, бу икки ва кўп томонлама тузилмалар фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. 1996 йили Флоренцияда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро муносабатларни тартибга солишчи асосий ҳужжатдир. Ўзбекистон ва Евроиттифоқ раҳбарларининг 2011 йил январь ойида Брюсселда ўтган олий даражадаги учрашуви ҳамда унинг якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 19 фоиз ўсиб, 2,36 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда ҳам бу ижобий тенденция давом этмоқда. Томонларнинг ўзаро савдо учун шарт-шароитни янада яхшилаш ва уни диверсификация қилиш бўйича маъқулланган савб-ҳаракатларни, Ўзбекистонга Европада сармоя жалб этишни янада кенгайтиришни, мавжуд ресурслар ва илгор технологиялар асосида қўшма лойиҳаларни амалга оширишни давом эттириш-

га тайёрлиги таъкидланди. Давлатга қарашли ва нодавлат ташкилотлар ўртасида маданий-гуманитар, илмий-маърифий ва бошқа соҳаларда тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлашдан томонлар манфаатдор эканлиги қайд этилди. Учрашувда долзарб минтақавий муаммолар, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазият ривожини билан боғлиқ айрим масалалар муҳокама қилинди. Кэтрин Эштон самимий қабул ҳамда икки томонлама муносабатлар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан батафсил ва самарали фикр алмашиш борасида яратилган имконият учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Евроиттифоқ Ўзбекистон билан узок муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Учрашувда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч



Муродбек ЗИЁЕ олган сурат.

ЯНГИ БПТ — ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ТАШАББУС

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЖАМИЯТДА МУСТАҲКАМ ЎРИН ТОПИШИ УЧУН ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ Йўлида ИЗЧИЛ ИШ ОЛИБ БОРИШИ ЗАРУР. БУ ЖАРАЁНДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ЧУНКИ УЛАР ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАДИ, АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРДАН ЯХШИ ХАБАРДОР. ШУ БОИС ҚўЙИ БўҒИН ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОРҚАЛИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ Йўлида САМАРАЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ.

(Давоми 2-бетда.)

Тадбир

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИДА

«ПОЙТАХТ» БИЗНЕС МАРКАЗИДА ЎЗБЕКISTON САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА «ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАК ҲАМКОРЛИГИДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИНИНГ «ЎЗБЕКISTON БИЗНЕС ФОРУМИ (2-ФАЗА)» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА «ЎЗБЕКISTONДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Мазкур анжуманда таъкидланганидек, айни вақтга келиб, мамлакатимизда соҳага ихтисослаштирилган корхоналар сони 130 тага етган, ишлаб чиқариш ҳажми эса 10 баробарга ошган. — Корхонамиз 1996 йилда ташкил этилган бўлиб ҳозирда 700 дан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда, — дейди «Jurabek Laboratories Ltd» қўшма корхонасининг маркетинг ва савдо бўлими бошлиғи Азиз Соипов. — Бугунги кунда корхонамизда замонавий дори воситаларини ишлаб чиқаришга 10 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция жалб қилинди. Натижада, айни пайтда 30 хилдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Уларга ички ва ташқи бозорда талаб тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, давлатимиз маҳал-

лий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаши туфайли корхонамиз қисқа муддат ичида юртимиз фармацевтика бозорига етакчи ўринни эгаллашга эришди.

Соҳа ҳодимларининг таъкидлашича, бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг ўзлаштирилишида Маҳаллийлаштириш дастури рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Натижада олдинлари четдан келтириляётган препаратларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу дастур доирасида жорий йилнинг ўтган 9 ойида 40 номдаги янги дори воситаси маҳаллийлаштирилгани ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фракция муҳокамаси

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА

хизмат қилувчи қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ Бўлиб ўтди. Унда ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ, ТЕГИШИЛИ ВАЗИРЛИК ҲАМДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИНИНГ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚАТОР ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТДИ.

Дастлаб «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлигининг қисқартирилиши муносабати билан Ўзбе-

кцион Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДП Ҳаракат дастури амалда

СЕССИЯ ҚАРОРИ

электорат манфаати ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши сессияси йиғилишида ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан маҳаллаларда мазкур мавзуга бағишлаб семинар ва давра суҳбатлари ўтказишда изчиллик этишмаётганини таъкидлашди. Шундан келиб чиқиб, сессияда камқонликнинг салбий оқибатлари, унинг олдини олишда аҳамият бериладиган асосий жиҳатлар, озиқ-овқат маҳсулотларидаги темир ва бошқа микронутриентлар ҳамда соғлом овқатланиш таъминини жорий этиш бўйича фуқароларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирларни кучайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

2-бет

«O'zbekiston ovozi» saytida o'qing!



DEPUTATLAR 2013 YILDA ISH O'RINLARI TASHKIL ETISH DASTURINI TASDIQLADILAR

www.uzbekistonovozi.uz

«O'zbekiston ovozi» Shu aziz VATAN — barchamizniki! +5°C

Besh sahifa | Tahririyat | Rubrikalar | Taklif va muhozaalar | Aloqalar | Obuna | Bugun: 28.11.2012 | 20:10

2012 YIL MUSTAHKAM OBLA YILI

Deputatlar 2013 yilda ish o'rinlari tashkil etish dasturini tasdiqladilar

Fotogaleriya | Videogaleriya

Oxirgi sonda | Ko'p o'qilgan maqolalar | Dolzarb mavzu | Arxiv | Izbah

«ОБУНА — 2013»



Панжи Норматов, ЎзХДП Музработ туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари мамлакатимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий жараёнларни тезкор, тахлилий ҳамда танқидий ёришда республикамиздаги етакчи нашрлардан ҳисобланади. Шу боис туманимиздаги ЎзХДП барча бошланғич ташкилотлари 2013 йил учун газеталаримизга обуна бўлди.

УНУТМАНГ!

Газеталаримизга йиллик обуна учун имтиёзли нархлар белгиланган!

«Ўзбекистон овози»га имтиёзли обуна индекси — 3220
«Голос Узбекистана»га имтиёзли обуна индекси — 3121

НАШР КўРСАТКИЧИ — 220

Фракция муҳокамаси

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА

Хизмат қилувчи қонун лойиҳалари кўриб чиқилди



Қонун лойиҳаси «Банкротлик тўғрисида», «Бож таъриф тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунларга ҳамда Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади. Бу 2013 йил учун тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароит яратиш, шу жумладан ҳисоботлар ва уларни тақдим этиш тартибини қисқартириш ҳамда содда-лаштириш, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш имконини беради.

Искандар АЗИЗОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларини ўзгартириш мақсадида Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шу асосда 2013 йил 1 январдан бошлаб, қўшимча фойда солиғидан ташқари барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади.

Шунингдек, юридик шахслар ҳўжалик судининг қарори билан банкрот деб топилганда, уларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи, ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа

(Давоми. Боши 1-бетда.)

мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималарни тўхта-тиб туриш ҳақидаги норма мустақамлаб кўйилмоқда. Киритилаётган ўзгартишлар бюджет даромадини ошириш ҳамда харажатларини камайтиришда муҳим ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига тўла мос келади. Шу боис фракциямиз аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолиги учун янада қулай шарт-шароит яратилишини ҳисобга олиб, мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Ийгилишда, шунингдек, «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарилган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, ОИТС касаллиги аҳоли саломатлигига, иқтисодий, миллий тараққиёт ва барқарорликка жиддий ҳавф туғдиради. Шу боис мамлакатимизда мазкур касалликнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда «Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касаллангани» (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонун соҳани тартибга солади. Аммо бугунги кунда уни такомиллаштириш зарурати туғилди. «ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш» масаласи «ОИВ касаллигининг олдини олиш»га нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади. Бунда касалликнинг олдини

олиш, диагностика ва даволаш масалалари ҳам қамраб олинади.

Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида амалдаги қонунда мавжуд бўлмаган, бироқ соҳани тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга қатор қондалар ўз аксини топган. Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш соҳасидаги ваколатлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари фаолиятини тартибга солиш тизими, ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида меъёрлар билан мустақамланмоқда. Тиббий текширув — ихтиёрий, шартли ва мажбурий тиббий текширувлардан ўтиш тартиби ҳам кўрсатилмоқда. ОИВ инфекциясини тарқатганлик учун жавобгарлик масаласи амалдаги қонунчиликка мослаштириляпти.

Қонуннинг қабул қилиниши соҳада олиб борилаётган ишлар, чоратадбирларнинг янада кучайишини таъминлайди. Бу — партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, соғлиқни сақлаш борасида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш

ҳамда тиббий хизматни яхшилаш мақсадларига тўла мос келади.

Депутатлар «Табий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси бозорнинг жадал ривожланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кўпайиши ҳисобига истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ишлаб чиқилди. Унга кўра, соғлом рақобат муҳитини яратиш имкониятига эга бўлган бозор соҳаси сифатида «транспорт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган соҳалар рўйхатидан чиқаришни назарда тутувчи ўзгартиришни киритиш таклиф қилинмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эркин рақобат муҳитини кенгайтириш, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш имкониятини яратди. Йиғилишда қонун лойиҳаларида белгиланган айрим меъёрларни янада аниқ акс эттириш, уларга таърир ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар билдирилди. Бу борада депутатлар ва мутахассислар ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишди. Фракция ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўз нуқтаи назарини белгилаб олди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Ҳаракат дастури амалда

ХАЛҚИМИЗНИНГ СОҒЛОМ ВА МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, БАҲАМОНЛИК АВОЛДИНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. БУ БОРАДА МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР, АЙНИҚСА, АҲОЛИНИ ТАРКИБИДА ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ЗАРУР МИКРОНУТРИЕНТЛАР БОР МАҲСУС ПОЛИВИТАМИНЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, КАМҚОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

СЕССИЯ ҚАРОРИ

электорат манфаати ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда

Жумладан, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида», «Иод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида» ва «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунлар озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назоратини кучайтириш, бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқарилишини кенг йўлга қўйиш, бу борада профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари ўтказилишини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу асосда уни зарур микроэлементлар билан бойитиш дастурлари ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга ошириляпти.

Бироқ ҳамма жойда ҳам қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ бажариляпти, деб бўлмайди. Шу сабабли ҳам ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи зиммасига бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганиш, темир моддаси танқислиги ва микронутриент етишмаслигининг салбий оқибатлари ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш вазифаси юклатилган эди. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП депутатлик гуруҳи назорат-таҳлил ишларини олиб борди ва шу асосда жорий йил сентябрь ойида сессия муҳокамасига тегишли масалани киритди.

Меҳри Бобоєва, ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси:

— Маълумки, юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг изчил механизми шаклланди. Қабул қилинган қонунлар ва мақсадли давлат дастурлари ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Бу борада болалар ва оналар ўртасида микронутриент етишмаслигининг барча шакллари, шу жумладан, темир моддаси танқислигини бартараф этиш долзарб масалалардан бири. Шу боис мазкур масалани

ўрганиш жараёнида тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари билан мустақам алоқа ўрнатдик, аҳоли билан учрашувлар ташкил этилди. Хулосалар шуни кўрсатдики, туманимизда мазкур йўналишдаги профилактик тадбирларни кучайтириш керак. Аҳоли ўртасида учрайдиган касалликларнинг қарийб 90 фоизи темир моддаси танқислиги билан боғлиқ. Бу асосан туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болалар ўртасида учраётти.

Соиб Умаров, халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— «Унни фортификация қилиш миллий дастури» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, ҳар бир минтақада биринчи навбоду унни давлат қорхоналарида тўлиқ фортификант билан бойитилиб, уннинг таркибига зарур витаминлар қўшилипти.

тарқатилмоқда. Ўрганиш жараёнида ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилди. Унни микроэлементлар билан бойитиш, поливитаминларнинг ўз вақтида етказилишини ҳамда бу борада давлат санитария назоратининг амалга оширилиши таҳлилий ўрганилди. Бу борадаги ишлар талаб даражасида ташкил этилган. Бироқ камқонлик касаллигининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар етарли эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, ҳар йили давлат томонидан поливитаминлар хари-ди учун маблағ ажратилиб, қишлоқ жойларида истикомат қиладиган ҳомиладор аёлларга

Сессия йиғилишида депутатлар мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан маҳалларда мазкур мавзуга бағишлаб семинар ва дара сўхбатлари ўтказишда изчиллик етишмаётганини таъкидлашди. Шундан келиб чиқиб, сессияда камқонликнинг салбий оқибатлари, унинг олдини олишда аҳамият бериладиган асосий жиҳатлар, озиқ-овқат маҳсулотларидаги темир ва бошқа микронутриентлар ҳамда соғлом овқатланиш тамойилларини жорий этиш бўйича фуқароларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган тадбирларни кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шулар асосида сессия аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш бўйича тегишли қарор қабул қилди. Унда аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасида туман дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунда давлат санитария назоратини йўлга қўйиш, тегишли ташкилотлар ҳамда бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмалар ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Баҳора Жумабоева, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Унга асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишини ташкил этиши, тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлиmlаларининг ҳамда бойитилган озиқ-овқат маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмаларнинг сифати, хавфсизлиги ва уларни сақлаш шароитларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриши зарур.

Назорат-таҳлил жараёнида ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилди. Сессияда бу борадаги фаолиятни кучайтиришга доир қатор амалий таклифлар билдирилди.

Назорат-таҳлил жараёнида ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилди. Сессияда бу борадаги фаолиятни кучайтиришга доир қатор амалий таклифлар билдирилди.

Айни кунда депутатлар сессия қарори ижросини қатъий назоратта олишган. Шу билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ масалалар таҳлилий ўрганиляпти. Таъриба шуни кўрсатадики, амалий ишлар партиямиз электорат манфаатини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Демак, бугун партиянинг маҳаллий ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш борасидаги таклифларини кучайтириш зарур. Бу эса партиянинг жамиятдаги маънавий мустақамлаб, электоратнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Янги БПТ — Янги куч, Янги ташаббус

Чилонзор туманида ЎзХДПнинг уч минг нафарга яқин аъзоси 103 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Уларнинг кўпчилигида партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш борасида катта таъриба тўпланган. Айниқса, қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш, мамлакат таъдирини дахлдорлик туйғусини оширишда бошланғич партия ташкилотларининг ўрни катта бўляпти. Шу боис туман партия кенгаши бундай бошланғич ташкилотларни кўпайтиришга, уларнинг партия дастурий вазифаларини ижро этишдаги иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Кунни кеча «Алгоритм» очик акциядорлик жамияти қошида партиямизнинг яна бир бошланғич ташкилоти тузилди. 10 нафар ишчи ходимга партия аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Кондиционер, кир ювиш машинаси, чангюттичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юртимизга бундай маҳсулотлар асосан чет элдан келтириларди. Биз ишлаб чиқараётган машиини техника воситалари хориждан келтириляётганидан анча арзон. Энг муҳими, сифати ҳам бошқа мамлакатларникидан асло кам эмас.

Жамоамизда 100 нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларга қулай меҳнат шароити яратилган. Бепул тушилик, дам олиш хоналари ташкил этилган. Истикболда иш ўринларини кенгайтириш режалаштирилган. Янги иш жойларига касб-хўнар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга қабул қиламиз. Ҳозирда ўз амалиётини шу

ерда ўтаётган коллеж талабалари ҳам анчагина. Биз уларга иш ўргатиш баробарида яхши кадрлар тайёрлаб боришга эътибор қаратаймиз. Бу масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида кўтарилган ёғлар билан ҳам ҳамоҳанг. Шу сабабли бу партиянинг туман кенгаши билан яқин ҳамкорлик қилаймиз.

— Бошланғич ташкилотимиз яқинда фаолият бошлаганига қарамай, партиямиз сафида бўлишни истаганлар сони кўпайиб бораёпти. — дейди кадрлар бўлими бошлиғи, БПТ етакчиси Уляна Горн. — Биринчи навбатда уларни партия Дастури ва мақсади билан таништирдик. Эндликда ҳодимларнинг сиёсий-ҳуқуқий

зимида ўқувлар, давра суҳбати ҳамда семинар-тренинглар ташкил этилди. Уларга ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва бошқа мутахассисларни кўпроқ жалб этишга аҳамият бердик. Қуйи бўғиндаги тадбирлар доирасида электорат вакиллари билан сиёсий фаоллик ва фуқаролик масъулиятини оширишда ЎзХДП тузилмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигини таъминлаш, партия электорати билан ишлашининг ташкилий асосларини мустақамлаш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари хусусида фикр алмашилди. «Алгоритм»да ташкил этилган янги бошланғич ташкилот фаолиятини тўпланган энг илғор таъриблар асосида йўлга қўйишга ҳаракат қилаймиз.

Янги БПТ хозирданок янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Шунини айтиш керакки, бошланғич ташкилотлар ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, юқори ташкилотларга олиб чиқса ва депутатлик гуруҳлари билан ишларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритса, кишиларнинг мушқули осон бўлиши билан бирга, одамларнинг партияга ишончи ҳам ортади. Бугун бошланғич ташкилот ва унинг етакчиларига қўйилган талаб ҳам шу, аслида. Гулрух САЙФИДИНОВА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол имкониятлари

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

«СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ВА САНИТАРИЯСИ» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ХУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН 8,5 МИЛЛИОН, ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ҲИСОБИДАН ЭСА 31,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТИЛДИ. УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 40 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЎЛГАН МАЗКУР ЛОЙИХАГА МУВОФИҚ, ТЕРМИЗ ШАҲРИ ҲАМДА ҚУМКЎРҒОН, ШҮРЧИ, САРИОСИЁ, АНГОР, ҚИЗИРИҚ, ЖАРҚЎРҒОН, МУЗРАБОТ ТУМАНЛАРИДА 400 КИЛОМЕТР МАСОФАГА СУВ ҚУВУРЛАРИ ЁТҚИЗИШ, ТАРМОҚЛАРНИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШ, БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 108,8 МИНГ КУБ СУВ ЕТКАЗИБ БЕРАДИГАН ИНШОТЛАР БАРПО ЭТИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.



— Туманимизда 56 та умумтаълим мактаби мавжуд, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудир Шухрат Азимов. — Лойиҳа доирасида йил охиригача туманининг 15 та умумтаълим мактабини ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган.

— Аҳолининг тоза ичимлик сувиغا бўлган талабини қондириш мақсадида Ангор туманида ҳам кўплаб амалий ишлар қилинмоқда, — дейди туман ҳокими, ЎзДП аъзоси Бахтиёр Хурсанов. — 70 километрга қувур ўтказилиши натижасида 3 мингга яқин аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Вилоят марказидан 100 чакрим олинсада жойлашган Қизириқ туманида бир пайтлар нафақат қишлоқда, балки шаҳарда ҳам ичимлик суви муаммо эди. Янги лойиҳага кўра, бу ерда битта 500 метр куб, 3 та 200 метр куб сув сақладиган иншоот, насос станцияси ва трансформатор под-

станциялари бунёд этилди. Қарийб 36 километрга сув қувурларини ётқизиш ишлари удаланди. Шаҳар кўригига кўрк қўшаётган гузар ва қишлоқларда ҳам 1,5 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Жарқўрғон тумани марказида 22 километрга яқин сув қувурлари ётқирилиши кўп қаватли хонадонларда яшайдиган аҳоли учун аини мудуро бўлди. Шу кунгача «Туронсув-қурилиш» хусусий корхонаси томонидан қарийб 3,5 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Музработ туманида ҳам 2012 йилнинг 9 ойида 8 миллиард сўмлик ишлар удаланди. Дастлаб марказий дамба, 6 та кудуқ таъмирланиб, 1000 метр куб сув сигимига эга иккита иншоот фойдаланишга тайёрлаб қўйилди. Тумандаги 22 та қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, 98 километрик сув қувурлари ётқирилди.




Хориж

ШОВҚИН МИЯ УЧУН

эликсир вазифасини ўтайди...ми?

Шовқиннинг киши саломатлигига зарари ҳақида кўп эшитганмиз ва олимларнинг ёзма хулосалари билан танишимиз ҳам. Дарҳақиқат, кучли шовқин нафақат кулоқ пардаларига, балки саломатликка ҳам зарар етказишини яхши биламиз. Шу боис тўйларни кулоқни қоматга келтирадиган шовқинли мусиқалар билан эмас, балки паст частотали товушда жаранглайдиган мусиқалар билан ўтказиш тавсия этилмоқда.



Умуман, паст частотали мусиқа товушлари кишига акс таъсир этмайди, балки мианининг ишлаш қобилиятини оширувчи кучга эга. Фақат товуш кучи 70 децибелдан ошмаслиги керак. Иллинойс университетининг профессори Равви Мехта бошчилигидаги экспертлар гуруҳи томонидан ўтказилган тажриба-тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқда.

70 децибел кўнада ўтиб кетаётган автомобиль шовқини кучига тенгдир.

«ЭЛЕКТРОМОБИЛИЗАЦИЯ»

ҳозирча ўзини оқламаяпти

ГФР ҳукумати экологик тоза технология ҳисобланмиш электромобиллар ишлаб чиқаришни 2020 йилгача 1 миллионга етказиш ва унинг савдосини ривожлантириб бориш дастури ўзини оқламаётганлигини тан олди, дея хабар беради «Зюддойче цайтунг» газетаси.

Бир йил аввал ушбу дастурнинг келажаги порлоқ эканлигига қаттиқ умид қилинган эди. Аммо шу кунгача 4,6 мингга электромобилгина Германия кўчаларида ҳаракатини бошлади холос.



Автохаваскорлар мазкур янги технология асосида яратилган электромобилларни экологик тоза ва бошқа афзалликларга эгаллигига қарамай, сотиб олишмаяпти. Бунга сабаб электромобилларнинг тезлиги камлиги ва бир марталик қуввати билан юз километрдан ортиқ йўл боса олмаслигидир. Ҳар юз километрда уни «зарядлаш» лозим. «Заряд»лайдиган шохобчалар эса жуда кам. Бунинг устига электромобиллар нархи одатдаги автомобилларга қараганда анча қиммат.

Ҳақиқатда мамлакат ҳукумати ўлкадаги йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи компания вакиллари иштирокида ўтказган йиғилишда электромобиллар афзалликларини янада ошириш устида излашлар олиб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ

давлат ва жамоатчилик эътиборида

Хўжайли туманидаги 1-МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА 100 НАФАР БОЛАГА 21 НАФАР ТАРБИЯЧИ ВА 8 НАФАР ПЕДАГОГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРМОҚДА.

— Ўтган йили қишда иситиш тармоғимизда айрим муаммолар пайдо бўлган эди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Светлана Сон. — Йил давомида бу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрдик. Хўжайли иссиқлик манбаи корхонаси ходимлари томонидан хоналаримиздаги иситиш труба-

лари тозаланди, ташқаридагилари изоляция қилинди ва таъмирланди.

— Болалар таълим-тарбияси ва иқтидорини ўстириш учун керакли шароитлар яратилган, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Гулзар Матмуратов. — Уларни касбга йўналтириш мақсадида ҳар хил тўғарақлар иш олиб бермоқда. Бу йил 18 нафар тар-

бияланувчи ўзи танлаган касб бўйича касб-ҳунар коллежларига жойлашди. Келгуси йили эса 10 нафар тарбияланувчи касб-ҳунар коллежларига йўл олади.

Биз Меҳрибонлик уйи шароити билан танишар эканмиз, 9-синфни битириш арафасида турган тарбияланувчилар билан суҳбатлашдик.

Тимур БЕКТУРСИНОВ: — Мен учувчи бўлмоқчиман. Тошкентда авиация соҳаси бўйича ўқимокчиман. Ўзимни жисмонан чиниктириш мақсадида спортнинг дзюдо, кикбоксинг турлари билан мунтазам шугуллана-

ман. Спорт мусобақаларида ҳар доим совринли ўринларни эгаллаб келмоқдаман. Устозларимга катта раҳмат айтмоқчиман.

Наргиза ЯКУБОВА:

— Мен ўқишимни академик лицейда давом эттираман. Келажакда тележурналист бўлишни орзу қиламан. Ёки тарих ўқитувчиси бўламан. Ўқишдан бўш вақтимда бичиш-тиқиш, соч турмақлаш, расм чиқиш, компьютер саводхонлиги тўғарақларига қатнашман. Синхрон сузиш, гимнастика тўғарақларининг ҳам аъсосиман. Сузиш бўйича мусобақаларга қатнашиб тураман...

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тумандаги 65-мактабда ўқишади. Улар махсус транспортларда олиб бориб, олиб келинади. Шунингдек, байрамларда, таътил кунларида Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига экскурсия уюштирилиб, тарихий ёдгорликлар билан таништирилади.

Бу тадбирларни уюштиришда саховатпеша кишилар томонидан кўрсатилаётган ёрдамларни ҳам эътироф этиш керак.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Мнажратдин КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

Ижтимоий ҳимоя



Эълон

Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон

қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашилади.

Танлов кўйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган санаят корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва санаят соҳасида татбиқ этиш истиқболлигига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва

материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоёлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ◆ Ариза (намуна бўйича);
- ◆ Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- ◆ Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ УЧУН:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Ассатулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БҮЮРТМАНОМА

1. _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. _____ (тақдим этилаётган гоёвий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)
4. Буюртманомга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
 - Инвестиция таклифи;
 - Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(Имзо, муҳр)

(Ф. И. О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва рекезитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга ошириши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва рекезитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 - 4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишининг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
 - 4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.

- 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- 4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;

- объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар: кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|-------|---------------------------------------------------------------|-------------------------|---------------------|------|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

17-ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ

Тошкент Гран при мусобақасида дастлабки галабани қўлга киритди



Мухаммад АМИН (Уш) олган сурат.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКISTON ТАСВИРИЙ САҲЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ШОҲМОТ ФЕДЕРАЦИЯСИ (FIDE) ТАСАРУФИДАГИ ГРАН ПРИ ИККИНЧИ БОСҚИЧ МУСОБАҚАЛАРИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ДУНЁНИНГ 170 ДАН Ортиқ мамлакатига узатиляпти, ўйинлар онлайн тизимида бир неча тилларда шарҳланаяпти.

Интернетдаги спорт ва шохмот сайтларида етакчи гроссмейстерларнинг мусобақасидаги ўйинларга шарҳлари бе-

риляпти. Бу шарҳ ва маълумотларни дунёнинг турли минтақаларидаги минглаб шохмотчилар ва мухлислар

бевосита кузатиб боришяпти. Мусобақанинг биринчи дам олиш кунидан кейин бўладиган 5-тур ўйинларини ва унда 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов қандай натижа кўрсатишини барча интизорлик билан кутди. Айтиш мумкин, Қосимжонов хитойлик Ванг Хаога қарши қора донларда ўйнашига қарамай, жанговар кайфиятда донга сурди. Ванг Хао шотландча партияни танлади. Бу очик ўйинбоши оқларга фарзин томонида ҳужум қилиш имкониятини беради, агар қора-

лар аниқ ҳимояланса қарши ҳужум уюштириши мумкин. Хитойлик шохмотчи ҳужумкорликни ошириш мақсадига бир пиёдасини, кейин иккинчи пиёдасини қурбон қилди. Ҳамортиз аниқ ҳимояланди, бунинг устига 15-юришда мурасиз курашга олиб келувчи катта рокировка амалга ошириди. Рустам бу юриши билан фарзин томонидаги пиёдасини шох билан ҳимоя қилди ва руҳи д вертикалини назорат остига олди. Албатта, кўпчилик Рустамнинг 32-юришда отни б2 хонага қўйишини кутмаганди.

Ванг Хао отни фарзини билан урди. У фарзинини от ва руҳга бериш ниятида эди. Лекин Рустам фарзини билан аввал «шох» бериб, кейин а4 хонадаги қора руҳни урди. Тахтада икки фарзин ҳам зарба остида қолган вазият юзга келди.

Хитойлик шохмотчи бу вазиятдан чиқишга ҳарчанд уринмасин, Рустам сифат ва иккита пиёда устулигини сақлаб қолди. Аммо бу вақтда 40 юриш учун бериладиган икки соатнинг сўнги сониялари ўтиб бораётганиди. Рустам белгиланган 40-юришни қилишга улгурди. Ванг Хао ўзининг ютқиқлиқ вазиятига бир оз тикилиб турди ва Рустам Қосимжоновни галаба билан табриклади.

Мухлислар қарсақлари янгради. Ҳамма бир-бирини табриклай бошлади. Рустам матбуот анжумани хонасига қарар экан аввало онаси Меҳринисо опа олдига келди. Чемпионнинг онаси ўғлининг пешонасидан ўпиб табриклади.

— Томоша залида эдим, — дейди ҳажжонлани Меҳринисо опа. — Охириги юришларни кўришга тоқатим етмади. Ўзимни чағитиш учун шу хонага ўтдим. Қарсақлар янграганда Рустамнинг ютганини сезиб ўзимга келдим. Шукр, ўғлимнинг юзи ёруғ бўлди.

Матбуот анжуманида Рустам Қосимжонов катта рокировка юриши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлади.



лаганимдан бахтиёрман, — дейди Рустам Қосимжонов. Бешинчи турда америкалик Камский исроиллик Гельфанд, украиналик Пономарёв россиялик Морозевич устидан галаба қозонди. Мамадиёров (Озарбойжон) — Карауна (Италия), Домингес (Куба) — Свидлер (Россия), Карякин (Россия) — Лeko (Венгрия) ўйинларидан дуранг қайд этилди.

Беш тур ўйинларидан кейин қатнашчилар тўплаган очколарига кўра куйидаги тартибда жойлашди: Қосимжонов, Карауна, Карякин, Мамадиёров ва Морозевичда 3 тадан, Лeko, Пономарёв, Свидлер ва Ванг Хаода 2,5 тадан, Домингесда 2, Камский ва Гельфандда 1,5 тадан очко.

Кеча 6-тур ўйинларида қатнашчилар куйидаги тартибда бахслашишди: Камский — Қосимжонов — 0,5:0,5; Лeko — Ванг Хао — 0,5:0,5; Свидлер — Карякин — 0,5:0,5; Морозевич — Домингес — 1:0; Карауна — Пономарёв — 0,5:0,5; Гельфанд — Мамадиёров — 0,5:0,5.

Бугун 7-турда куйидаги ўйинлар бўлади: Мамадиёров — Камский, Пономарёв — Гельфанд, Домингес — Карауна, Карякин — Морозевич, Ванг Хао — Свидлер, Қосимжонов — Лeko.

Асрор МҮМИН

Ҳамкорлик

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Япония ўртасида давлатлараро дипломатик алоқалар ўрнатилганлига 20 йил тўлиши муносабати билан пойтахтимиздаги International Hotel Tashkent меҳмонхонасида «Японияда таълим 2012» кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази ҳамда Нагоя университети ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Япониянинг 9 та нуфузли университетида 30 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ўзларининг олий ўқув юртиларидаги таълим тизими, грант ютиб олиш ва ўқиш тартиблари тўғрисида маълумотлар тақдим этишди.

— Япония университетлари орасида бизнинг университет етакчи ўринда туради, — дейди ЦУКУБА университети Урта Осиё халқаро тадқиқот бўлими директори Тошиногу Исуйама. — Университетимизда бакалаврлик учун 4 йил, магистрлик учун 2 йил ва докторантура бўйича 3 йил ўқитилади. Юртингизнинг таълим тизими билан яқиндан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари билан шартнома тузганмиз. Йил давомида интернет орқали ўзаро болганиб, мутахассислик ва педагогика йўналишлари бўйича фикрлашиб тураемиз.

Япония делегацияси ўз ташрифи давомида Ўзбекистоннинг бир қатор таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишлаб «Ҳозирги замон шароитларида жамиятнинг конституцион модернизацияси ва унинг ривожланиш йўллари» мавзусида ўтказилган конференцияларда иштирок этишди.

Альбина ЖУМАНОВА

Тадбир

Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига эҳтиёжи кучайиши ённин хавфи пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар Республика миқёсида «Ённин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

ДИҚҚАТ: «ЁННИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондидини ённин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ённин давлат аҳамиятига молик ённин бўлган объектларда ённин хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, деб белгиланган.

Азиз Ватандошлар!

Ушбу тадбир давомида сиз ённин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилсангиз, нафақат

ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй жойингизни ённиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ённин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ённин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган юртдошларимизга олдиндан миннатдорлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ённин хавфсизлиги бош бошқармаси

Эълон

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MXX ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларни мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда қатнашиш учун

ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Бизнинг таклифимизга ҳоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин. Иш вақти ҳар кун соат 10-00 дан 18-00 гача.

Корхоналар ўз тижорат таклифларини куйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-А уй.



Реклама

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

вилоятда янгидан қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирланадиган куйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

| № | Объект номи | Бошланғич нарх (млн.сўм) | | Қурилиш муддати |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|----------|-----------------|
| | | ҚҚС билан | ҚҚСиз | |
| 1. | Шўрчи тумани «Наврўз» маҳалласидаги 16-болалар ва ўсмирлар спорт мактабини капитал реконструкция қилиш. | 1449,754 | 1208,128 | 240 кун |
| Молиялаштириш Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. | | | | |
| 2. | Бойсун тумани «Пасурхи» маҳалласидаги 5-мактаб биносини капитал реконструкция қилиш. | 1170,555 | 975,462 | 240 кун |
| Молиялаштириш Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. | | | | |
| 3. | Термиз шаҳри, 5-кинчи даҳа, Алишер Навоий кўчасидаги 14-яшаш уйининг том қисмини капитал таъмирлаш. | 142,468 | 118,723 | 1 ой |
| Молиялаштириш виллоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. | | | | |

Буюртмачи: Сурхондарё виллояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинириг компанияси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иш-

тирокчиларнинг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод этилган бўлса, таклиф қўшилган қиймат солиги суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан, Давлат бюджетини ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича оферталар баҳолаб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устуллик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади ҳамда мукамал таъмирланадиган объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё виллояти ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-76, 222-45-92, 222-44-57.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи объектлар қийматига қараб — 70 000 сўмдан 100 000 сўмгача.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

| | | |
|---------------------|-----------------------------|-------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodulla ABDULLAYEV | Muslihiiddin |
| Latif G'ULOMOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | MUHIDDINOV |
| Botir ALIMOV | Tat'yana KISTANOVA | Ochilboy RAMATOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolatkorlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146
9525
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.20
Toshpirlangan vaqti — 01.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2008-7633

1 2 3 4 5